Inson manfaatlari — oliy qadriyat

# ADOLAT

O`zbekiston «Adolat» sotsial-demokratik partiyasi

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA ● info@adolatgzt.uz ● www.adolatgzt.uz ● www.adolat.uz ● № 41 (1105) ● 2016-yil, 20-sentabr, seshanba

**➢Сайлов — 2016**

## МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

15 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Уни комиссия раиси М.Абдусаломов бошқарди.

Мажлисда шу йилнинг декабрь ойида бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига Асосий тадбирлар дастури асосида пухта ҳозирлик кўрилаётгани таъкидланди.

"Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонуннинг 9 ва 14-моддаларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи сайлов округлари тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи сайлов округлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри чегаралари доирасида тузилди.

Сайлов округлари рўйхати сайловчилар сони ҳамда округ сайлов комиссиялари қаерда жойлашганлиги кўрсатилган ҳолда оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

Шунингдек, мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ бўлган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

**ЎзА**

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг
ҚАРОРИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИНИ ЎТКАЗУВЧИ САЙЛОВ ОКРУГЛАРИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

"Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 9, 14-моддаларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри чегаралари доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи қуйидаги сайлов округлари тузилсин:

**1-Қорақалпоғистон сайлов округи**

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил – Ёшлар маркази биноси, Нукус шаҳри, Қорақалпоғистон кўчаси, 23-уй.

Сайловчилар сони – 1 188 763 киши.

Қорақалпоғистон Республикаси чегараси доирасида.

**2-Андижон сайлов округи**

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил – Андижон вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси биноси, Андижон шаҳри, Алишер Навоий шоҳкўчаси, 32-уй.

Сайловчилар сони – 1 984 247 киши.

Андижон вилояти чегараси доирасида.

**3-Бухоро сайлов округи**

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил – Бухоро вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси биноси, Бухоро шаҳри, Алишер Навоий шоҳкўчаси, 3-уй.

Сайловчилар сони – 1 265 163 киши.

Бухоро вилояти чегараси доирасида.

**4-Жиззах сайлов округи**

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил – Республика Маънавият тарғибот маркази Жиззах вилояти бўлими биноси, Жиззах шаҳри, Шароф Рашидов шоҳкўчаси, 70-уй.

Сайловчилар сони – 844 309 киши.

Жиззах вилояти чегараси доирасида.

**5-Навоий сайлов округи**

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил – "Фарҳод" маданият саройи биноси, Навоий шаҳри, Халқлар дўстлиги шоҳкўчаси, 58-уй.

Сайловчилар сони – 641 380 киши.

Навоий вилояти чегараси доирасида.

**6-Наманган сайлов округи**

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил – Ёшлар маркази биноси, Наманган шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 15-уй.

Сайловчилар сони – 1 771 067 киши.

Наманган вилояти чегараси доирасида.

**7-Самарқанд сайлов округи**

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил – Самарқанд давлат университети қошидаги 2-академик лицей биноси, Самарқанд шаҳри, Рудакий кўчаси, 237-уй.

Сайловчилар сони – 2 373 738 киши.

Самарқанд вилояти чегараси доирасида.

**8-Сирдарё сайлов округи**

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил – Сирдарё вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси биноси, Гулистон шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 66-уй.

Сайловчилар сони – 529 810 киши.

Сирдарё вилояти чегараси доирасида.

**9-Сурхондарё сайлов округи**

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил – 1-болалар мусиқа ва санъат мактаби биноси, Термиз шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 12-«В» уй.

Сайловчилар сони – 1 581 214 киши.

Сурхондарё вилояти чегараси доирасида.

**10-Тошкент вилояти сайлов округи**

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил – Тошкент вилояти молия бошқармаси биноси, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 17-уй.

Сайловчилар сони – 1 943 289 киши.

Тошкент вилояти чегараси доирасида.

**11-Фарғона сайлов округи**

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил – Ўзбекистон "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Фарғона вилояти кенгаши биноси, Фарғона шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 27-уй.

Сайловчилар сони – 2 417 891 киши.

Фарғона вилояти чегараси доирасида.

**12-Хоразм сайлов округи**

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил – "Баркамол авлод" болалар маркази биноси, Урганч шаҳри, Ғафур Ғулом кўчаси, 1-уй.

Сайловчилар сони – 1 167 263 киши.

Хоразм вилояти чегараси доирасида.

**13-Қашқадарё сайлов округи**

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил – "Ўзгеобурғунефтгаз" акциядорлик компанияси биноси, Қарши шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 35-уй.

Сайловчилар сони – 1 984 042 киши.

Қашқадарё вилояти чегараси доирасида.

**14-Тошкент шаҳар сайлов округи**

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил – Тошкент шаҳар ҳокимлиги маъмурий бинолардан фойдаланиш департаменти биноси, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 14-уй.

Сайловчилар сони – 1 742 833 киши.

Тошкент шаҳри чегараси доирасида.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида, шунингдек, бошқа манбаларда эълон қилинсин.

**Марказий сайлов комиссияси Раиси М.АБДУСАЛОМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2016 йил 15 сентябрь*

**➢Пленум**

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг 2016 йил 4 декабрь куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловидаги иштироки билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Йиғилиш аввалида иштирокчилар Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, ўзбек халқининг буюк фарзанди Ислом Абдуғаниевич Каримов хотирасини ёд этиб, ҳурмат бажо келтиришди.

Мажлис иштирокчилари томонидан мамлакатимиз ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган навбатдаги сайловда ҳам Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг муносиб иштирок этиши зарурлиги алоҳида таъкидланди.








## Юрт тақдирига дахлдор муҳим тадбирда иштирок этиш

### сиёсий кучдан катта масъулият ва пухта тайёргарликни талаб этади

— Мамлакатимизда истиқлол йилларида эркин фуқаролик жамиятига асосланган ҳуқуқий демократик давлат қурилиши туфайли собиқ тузумнинг марказлашган бошқарув тизими ва партиявий яккаҳокимлик барҳам топди ва кўппартиявийликка асос солинди, — деди мажлисда сўзга чиққан Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши раиси Наримон Умаров. — Пировардида давлат бошқарувини демократлаштириш ва модернизациялаш ишларининг самарали кечиши, фуқаролик жамияти институтларининг жадал ривожланиши мамлакатимиз ҳаётида муҳим бурилишларга сабаб бўлмоқда ва бунда сиёсий партиялар демократик жараёнларнинг асосий иштирокчиси сифатида муҳим роль ўйнамоқда.

Бу Ўзбекистон фуқароларининг жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқини, хусусан, сиёсий партиялар орқали амалга ошириш имкониятини кафолатлайди.

Шу мақсадда жамиятимизда кўппартиявийлик тизимини шакллантириш борасида изчил ишлар амалга оширилди. Сиёсий партиялар фаолиятининг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, шунингдек, "Жамоат бирлашмалари тўғрисида"ги, "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги, "Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида"ги, "Нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунлар ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида мустаҳкамланди.

2-3➢

## Ижтимоий соҳага ажратилган бюджет маблағлари ижроси эътиборда

**➢Фракция йиғилиши**

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон «Адолат» СДП фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ижросининг 2016 йил 1-ярим йиллиги якунлари кўриб чиқилди.

Қуйи палата депутатлари, бир қатор мутасадди вазирликлар, идора ва ташкилотларнинг масъул раҳбар ходимлари иштирок этган йиғилишда Ўзбекистон Республикаси молия вазири ўринбосари Мубин Мирзаевнинг ҳисоботи тингланди.

Эътироф этилганидек, мамлакатимизда иқтисодиётни ислоҳ қилиш, таркибий ўзгартириш ва модернизациялашни таъминлаш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар натижасида жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати йил бошида қилинган прогноз кўрсаткичларидан кам бўлмади. Шунингдек, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 6,7 фоиз, қурилиш ишлари ҳажми 17,5 фоиз, хизматлар кўрсатиш ҳажми 12,9 фоиз ўсишига эришилди.

**Мақсуд ҚУРБОНБОЕВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси:**

— Истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ, миллий тараққиёт моделимизнинг энг муҳим тамойилларидан бири сифатида ижтимоий соҳа ривожига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Дунёдаги камдан-кам давлатлар қаторида ҳар йили айнан ижтимоий соҳага давлат бюджетининг қарийб 60 фоизи миқдорида йўналтирилаётган маблағлар ўзининг юксак самараларини бераётганига барчамиз ўз ҳаётимиз мисолида гувоҳ бўлиб турибмиз.

"Адолат" социал-демократик партияси ижтимоий соҳанинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши тарафдори бўлиб келганлигидан келиб чиқиб, биз ҳисобот даврида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ижроси муҳокамасида айнан ижтимоий соҳаларда амалга оширилган ишларга алоҳида эътибор қаратдик.

Ҳисоботда келтирилганидек, жорий йилнинг 1-ярим йиллигида ижтимоий харажатларни молиялаштириш учун Давлат бюджетидан 11 389,9 миллиард сўм ёки умумий харажатларнинг 59,8 фоизи миқдорида маблағ ажратилди. Бу харажатлар ЯИМга нисбатан 13,6 фоизни ташкил этди.

Хусусан, таълим тизимидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, таълим жараёни даражаси ҳамда сифатини такомиллаштиришга қаратилган таълим стандартлари ва дастурларини мукаммаллаштириш, шунингдек, умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва олий ўқув юртларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашни давом эттириш масалаларига 2016 йилнинг I ярим йиллигида биринчи даражали эътибор қаратилганлиги фракциядошларимизнинг диққат марказида бўлди.

Ушбу жараёнда ижтимоий харажатларнинг асосий қисмини ёки 57,7 фоизини ташкил этган таълим тизими муассасаларини сақлаш ва уларни ривожлантириш харажатларига Давлат бюджетидан ажратилган 6 568,9 миллиард сўмлик маблағларнинг ижроси чуқур таҳлил этилди.

3➢

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 71-сессияси мажлиси Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовни ёд этиш маросими билан бошланди. Ушбу нуфузли анжуман иштирокчилари – БМТ вакиллари, 193 мамлакат делегатлари, давлат раҳбарлари, сиёсатчилар, дипломатлар ва бошқалар Президент Ислом Каримов хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

## БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИ ИСЛОМ КАРИМОВ ХОТИРАСИГА ҲУРМАТ БАЖО КЕЛТИРДИ

БМТ янгиликлар маркази хабар қилишича, БМТ Бош котиби Пан Ги Мун, Бош Ассамблеянинг 71-сессияси раиси Питер Томсон ва қатор давлатлар вакиллари жаҳоннинг энг юксак минбаридан Ислом Каримовнинг Ўзбекистон фаровонлиги, минтақамиз тинчлиги ва барқарорлиги йўлида амалга оширган улкан ишлари ҳақида сўз юритган.

Пан Ги Мун Президент Ислом Каримовнинг оила аъзолари ва Ўзбекистон халқига яна бир бор ҳамдардлик билдирган.

– Ислом Каримов Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган кенг кўламли саъй-ҳаракатларни амалга оширди. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Мингйиллик ривожланиш мақсадларини бажаришда муҳим ютуқларга эришди ва барқарор ривожланишнинг янги вазифаларини қўллаб-қувватлади. Давлат раҳбари раҳнамолигида минтақада тинчлик ва хавфсизликни таъминлашга улкан ҳисса қўшилди. Ислом Каримов ташаббуси билан 2009 йилда Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд барпо этилгани жаҳон ҳамжамиятининг муҳим ютуқларидан бири бўлди, – деди Пан Ги Мун.

БМТ Бош котиби Ўзбекистонга икки бор расмий ташриф билан келганини, халқимизнинг самимиятини ҳис қилганини қайд этган. Ўзбекистон мустақилликка эришганига 25 йил тўлди. Бир пайтлар Президент Ислом Каримов айтганидек, халқ манфаати, ҳуқуқ ва эркинликлари мамлакат ривожининг устувор йўналишига айланди, деб таъкидлаган Пан Ги Мун.

У Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Ўзбекистонда амалга оширилаётган фундаментал ислоҳотларга ҳисса қўшиш, ўзаро манфаатли ҳамкорликни давом эттириш ниятида собитлигини билдирган.

3➢

# Юрт тақдирига дахлдор муҳим

## сиёсий кучдан катта масъулият ва

Давоми. Бошланиши 1-бетда



Ўзбекистон Республикасининг "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилган қатор ўзгартиш ва қўшимчалар сиёсий партияларнинг давлат ҳокимияти органларини шакллантириш ва лавозимларга сайлаш борасидаги ҳуқуқларини кенгайтириш билан биргаликда уларнинг масъулиятини ҳам оширди.

Сиёсий партиялар бугунги кунда давлатимизнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий, сиёсий жиҳатдан юксалиб боришида ҳал қилувчи кучга айланиб бораётганлиги алоҳида эътиборга молик.

Жумладан, "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 12-моддасида сиёсий партиялар Ўзбекистон Республикаси Президенти, давлат ҳокимияти органлари сайловларида иштирок этиши кафолатланган.

Демак, "Адолат" социал-демократик партияси ҳам қонунчиликда белгиланган ушбу ваколатлардан тўлиқ фойдаланган ҳолда жорий йилнинг 4 декабрида бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этиши лозим.

Шуни ишонч билан айтиш мумкинки, партиямиз мафкуравий ва ташкилий жиҳатдан мустаҳкамланиб, омма орасида ўз ўрнига эга бўлиб бормоқда. Хусусан, бугунги кунда партия сафида 135 мингдан зиёд аъзо бўлиб, улар 3700 дан ортиқ бошланғич партия ташкилотларига бирлашган. Ўз навбатида, уларнинг фаолияти жойларда 194 та туман ва шаҳар, 14 та ҳудудий партия кенгаши томонидан мувофиқлаштириб борилмоқда.

Бугунги кунда партиямиз аъзолари сафида ёшларнинг



улуши 42 фоизни ташкил этиб, улар орасидан 30 дан ортиқ қизларимиз "Зулфия" номидаги Давлат мукофоти совриндорларидир. "Ёш адолатчилар" сафида, шунингдек, халқаро фан олимпиадалари ва спорт мусобақалари ғолиблари борлигини алоҳида айтиб ўтиш лозим.

Аъзоларимизнинг 51 фоизидан ошиғини ташкил этувчи хотин-қизларимиз орасида ҳам давлат ҳокимият ва бошқаруви органларининг масъул лавозимларида фаолият юритаётган аёллар, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари ҳамда давлат мукофоти соҳибалари борлиги уларнинг жамиятимизда роли ошиб бораётганлигидан далолат беради.

Ўтган сайловлар натижасида Олий Мажлис Қонунчилик палатасида партия фракциясини тузишга, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларда эса депутатларимиз сони икки баробар ошишига эришдик.

Партиянинг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари ва депутатлари партия Сайловолди дастурида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларининг ижроси устидан депутатлик назоратини ўрнатишда алоҳида фаоллик кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 96-, 117-моддалари ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонуннинг 8-моддаси, "Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида"ги Қонуннинг 5- ва 9-моддаларига мувофиқ, 2016 йил 4 декабрь, якшанба кунини Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни, деб белгилаш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси жорий йилнинг 9 сентябридан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов кампанияси бошланганини эълон қилди.

Сайловда иштирок этиш партиянинг дастурий ғоя ва ва-



зифаларини амалга ошириш, мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар ва кучли фуқаролик жамиятининг ривожланишига ҳисса қўшиш, яна бир бор партиямизнинг халқимиз орасида танилувчанлигини оширишга асос бўлиб хизмат қилади.

Навбатдаги сайловда иштирок этар эканмиз, 2015 йилда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови даврида йўл қўйилган камчиликларни чуқур таҳлил этган ҳолда уларни бартараф этиш чора-тадбирларини белгилаб олишимиз зарур.

Таъкидлаш жоизки, партиямиз республикамиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, халқимизга янада фаровон турмуш шароитларини яратиш, мамлакатимиздаги ижтимоий-иқтисодий, маънавий соҳалардаги ислоҳотларда фаол иштирок этишни ўзининг асосий мақсади, деб билади. Шундан келиб чиққан ҳолда, партиямиз Сайловолди дастурида белгиланган бир қатор вазифаларни ҳаётга татбиқ қилишимиз, ўзимизнинг амалий ишларимиз билан халқимиз орасидаги нуфузимизни янада юксалтиришимиз муҳим аҳамият касб этади.

Жорий йилнинг 14 сентябрида бўлиб ўтган партия Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг мажлисида бўлажак сайловда партиянинг муносиб иштироки муҳокама этилиб, сайлов кампаниясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш, сайлов жараёнида мафкуравий ва ташкилий-партиявий фаолиятни мувофиқлаштириш мақсадида партиянинг Марказий сайлов штаби тузилди ҳамда сайлов кампаниясини юқори даражада ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тегишли йўналишларда ишчи гуруҳлар ташкил этилди.

Шунингдек, Ижроқўм қарори билан "Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича чора-тадбирлар режаси" қабул қилинди ва ижро учун партиянинг ҳудудий Кенгашларига юборилди.

Унда партиянинг ҳудудий ва маҳаллий кенгашлари раисларига бир қатор вазифалар белгиланди. Хусусан, ҳудудий ва маҳаллий кенгашлар ҳузурида сайлов штабларини тузиш, штабнинг чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ҳамда уларни керакли тарғибот материаллари билан таъминлаш бўйича ишларни самарали ташкил этиш вазифалари юклатилди.

Шу билан бирга, партиямиздан Президентликка кўрсатилган номзоднинг сайловолди дастурини мукаммал шаклда, сайловолди дастуримизнинг устувор мақсад ва вазифаларини тўлиқ сингдирган ҳолда тайёрлашимиз, бунинг учун партиямиз фаоллари, мутахассисларидан иборат экспертлар гуруҳини шакллантиришимиз, шунингдек, бўлажак номзодимизнинг тарғибот-ташвиқот ишларини республикамизнинг барча ҳудудларида ўтказишимиз лозим. Бунинг учун партиянинг барча бўғинларидаги ходимлар сидқидилдан хизмат қилиши талаб этилади.

Олдимизда турган муҳим вазифаларни инобатга олиб, ҳар биримиз бўлғуси Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида муносиб иштирок этишимиз, сайловга тайёргарлик ишларини юқори даражада ташкил қилишимиз даркор. Бунинг учун режалаштирилган ҳудудий ва маҳаллий партия ташкилотларининг



**Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА, Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши аъзоси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:**

*— Олдимизда барчамиз учун ғоятда муҳим саналган сиёсий тадбир турибди. Жорий йилнинг 4 декабрь куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида "Адолат" социал-демократик партияси муносиб иштирок этиши зарур, деб ўйлайман. Зеро, ўзини ҳурмат қилган бирор-бир партия ушбу жараёндан четда туриши мумкин эмас.*

*Албатта, Президент сайловида партиямизнинг ўз номзоди билан иштирок этиши учун барча асослар бор. Чунки, "Адолат" СДП ўтган 21 йил ичида республикамиздаги энг етук сиёсий кучлардан бирига айланишга улгурди. Партия ўз Сайловолди дастуридаги вазифаларни бажаришда, ўзининг эзгу ғояларини халқ фаровонлиги ва юрт ободлиги йўлида амалга оширишда астойдил фаолият юритиб келаяпти.*

*Қолаверса, «Адолат» СДПнинг дастурий мақсад ва вазифалари анча халқчил бўлиб, бўлажак сайлов ўз ғояларимизни яна бир бор сайловчиларимиз орасида кенг тарғиб қилиш, партиямиздан кўрсатиладиган Президентликка номзоднинг сайловолди дастури орқали электоратимиз манфаатларини янада чуқурроқ ифодалаш имконини беради. Шу боис, миллий сайлов қонунчилигида сиёсий партияларга берилган ушбу имкониятдан фойдаланиш биз учун муҳим аҳамият касб этади.*

*Биз сайлов кампанияси даврида барча йўналишлар билан бир қаторда ижтимоий соҳага оид ғояларимиз сайловчиларнинг кенг қатламини қизиқтиришини инобатга олган ҳолда, ўзимизни анъанавий социал-демократиянинг ижтимоий адолат тамойили ва кенг кўламли ижтимоий дастурларнинг амалга оширилишини таъминлайдиган кучли давлат ғоясини қўллаб-қувватлашга қодир куч сифатида намоён этишимиз лозим.*

*Бунда, айниқса, партиямизнинг таълим ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги ғоялари устувор аҳамият касб этади. Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси сифатли ва бепул умумий таълим олиш ва замонавий тиббий хизматдан кенг фойдаланиш имкониятига эга бўлиши лозим.*

*Шу билан бирга, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва мавқеини юксалтириш, иқтидор ва қобилиятларини рўёбга чиқариш, ташаббусларини қўллаб-қувватлаш партиямизнинг доимий диққат-марказида бўлиб келаётганини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз, деб биламан. Бугунги кунда партиянинг "Аёллар қаноти" томонидан бир қатор саъй-ҳаракатлар амалга ошириб келинмоқда. Ҳозирги кунда партиямиз аъзоларининг 50 фоиздан ортиғини айнан хотин-қизлар ташкил этаётгани ҳам бизнинг ютуғимиздир.*



**Шуҳрат ЯКУБОВ, Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши аъзоси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:**

*— Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови мамлакатимиз ҳаётида ғоят муҳим сиёсий воқелик бўлиб, у мустақил Ватанимиз тараққиётида улкан аҳамиятга эгадир.*

*Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кампанияси мамлакатимизда демократик ислоҳотларнинг янги босқичида ўтаётгани билан аҳамиятлидир. Бинобарин, республикамизда кўппартиявийлик тизими тобора ривожланиб бормоқда. Бунга биз 2014 йилда давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловда ҳамда 2015 йилги Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида ҳам гувоҳ бўлдик.*

*Ўзбекистон "Адолат" СДП республикамиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, халқимиз учун фаровон турмуш шароитларини яратиш, мамлакатимиздаги ижтимоий-иқтисодий, маънавий соҳалардаги ислоҳотларда фаол иштирок этишни ўзининг асосий мақсади деб билар экан, бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида ҳам бошқа сиёсий партиялар билан бир қаторда муносиб иштирок этмоғи лозим.*

*Сайловда иштирок этиш орқали биз партиямизнинг халқимиз орасидаги нуфузини янада мустаҳкамлаш имконига эга бўлиш билан бирга, дастурий мақсад ва вазифаларимизни ҳаётга татбиқ қилишда муҳим қадам ташлаган бўламиз.*

*Партиямиз Сайловолди дастурида илгари сурилган ғояларда Ўзбекистонимизни ҳар соҳада ривожлантириш, мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлигини таъминлаш, халқимиз учун тинч ва фаровон турмуш шароитини яратиш мужассам. Айниқса, дунё сиёсий амалиётида кенг қўлланиладиган ва тан олинган социал-демократик ғояларнинг ўзбекона қадриятларимиз, миллий ўзига хослигимиз, халқимизнинг менталитетига уйғунлашган ҳолда ифода этилганлигини алоҳида қайд этиш ўринли.*

*Ўтган давр мобайнида партиямиз ғоявий жиҳатдан жипслашиб, ташкилий жиҳатдан мустаҳкамланди. Аъзоларимиз сони кун сайин ортиб бормоқда. Жумладан, 2015 йил бошида партия аъзолари сони 107 мингга яқин бўлган бўлса, жорий йилнинг бугунги ҳолатига эса уларнинг сони 135 мингдан ошди.*

*Маҳаллий Кенгашлардаги депутатларимиз сони ўтган сайлов натижаларига нисбатан 2 баробар ошганлиги ҳам партиямизнинг халқимиз орасида танилиб бораётганлигидан далолат беради.*

*Мажлисда билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг дастурий мақсадларини рўёбга чиқариш ҳамда ўз электорати манфаатларидан келиб чиқиб, партиянинг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиши мақсадга мувофиқ, деб топилгани ҳам "Адолат" СДП мамлакатимиз сиёсий ҳаётида ўзига хос ўринга эга эканлигини кўрсатмоқда.*



**Людмила КОШЕЛАПОВА, Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши аъзоси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:**

*— Кўп миллатли мамлакатимизда барча юртдошларимиз аҳил-иноқликда, бағрикенглик фазилатларини намоён этиб, яратувчилик меҳнати билан мустақил Ватанимиз равнақига муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Юртимизда истиқомат қилаётган барча миллат ва элат вакиллари ўртасида ўзаро ҳурмат, дўстлик ва ҳамжиҳатликка асосланган муносабатлар, меҳр-оқибат ришталари мустаҳкам қарор топганлиги дунё аҳлининг ҳавасини келтиради, десак янглишмаймиз. Асосий қонунимизда белгиланганидек, республикамизда истиқомат қилаётган барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одати ва анъаналари ҳурмат қилиниши таъминланмоқда, уларнинг ривожланишига шароит яратиб берилган.*

*Миллий қонунчилигимизда мустаҳкамлаб қўйилган бу муҳим мезонлар тинч ва фаровон ҳаётимизда, республикамиз тараққиёти учун амалга ошираётган эзгу саъй-ҳаракатларимизда ёрқин акс этиб келмоқда. Зеро, мустақилликнинг дастлабки йилларидаги мураккаб синовларда кўп миллатли халқимизнинг жипслиги, Ўзбекистон ягона оиладек мустаҳкамлиги ўз қудратини, тарихий аҳамиятини амалда исботлаган, мамлакатимизда истиқомат қилаётган ҳар бир миллат ва элат вакиллари ўзаро ҳамжиҳат ва собитқадам эканини баралла намоён этганлиги айни ҳақиқат.*

*Миллатлараро тотувлик партиямиз инсонпарвар ғояларининг ўзагини ташкил этувчи тушунчалардан биридир. Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси ўз ҳаёти ва яқинлари ҳаёти учун масъулиятни зиммасига олишга тайёр, машғулоти, этник келиб чиқиши ва эътиқоди, мулкий имкониятидан қатъи назар, социал-демократиянинг энг муҳим қадриятлари бўлган ҳаққонийлик ва ижтимоий адолат, эркинлик, бирдамлик ва имкониятлар тенглиги, шунингдек, бошқалар олдида масъулият ғояларига ўз қарашларини ҳамоҳанг деб биладиган жамиятнинг турли қатламларига мансуб фаол фуқароларга таянади. Партиямизнинг Сайловолди дастурида "Бирдамлик" социал-демократиянинг шиорларидан бири экани, Ўзбекистондаги турли фуқаролик институтлари бир томондан мамлакатимизнинг барқарор ривожланишига, иккинчи томондан эса барча ижтимоий гуруҳларнинг миллий жипслиги ва тотувлигига хизмат қилаётганлиги алоҳида таъкидланган. Бизнинг мақсадимиз — уларнинг хилма-хиллигини муштарак ҳолда сақлаш ва ривожлантиришдан иборат. Бош қомусимиз ва миллий қонунчилигимизда белгиланган устувор мезонларга ҳамоҳанг ушбу дастурий мақсадларимизни рўёбга чиқаришда "Адолат" СДПнинг барча бўғиндаги тузилмалари, партия депутатлари, ҳар бир сафдошимиз фаол иштирок этиб, қатор муваффақиятларга эришиб келмоқда.*

*Ишонамизки, келгусида ҳам партиямиз мамлакатимиздаги миллий маданий марказлар билан фаол ҳамкорликни давом эттирган ҳолда турли миллат ва элат вакилларининг иқтисодиётимиз тармоқларидаги фаол иштирокини таъминлаш орқали Ватанмиз мустақиллигини мустаҳкамлаш ва унинг янада тараққий этиши, жаҳон ҳамжамиятидаги мавқеи ошиши ҳамда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг муваффақиятини кучайтиришда муносиб ҳисса қўшади.*

*Қонунчилигимизда белгиланган ваколатлардан фойдаланган ҳолда "Адолат" СДПнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида ўз номзоди билан иштирок этиши дастурий мақсадларимизни рўёбга чиқариш ҳамда электорат манфаатларини ифода этишда биз учун муҳим имконият саналади.*



**Алишер ШАДМАНОВ, Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши аъзоси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қўмита раиси:**

*— Миллий қонунчилигимизда белгиланган ваколатдан фойдаланган ҳолда мамлакатимиз сиёсий майдонида 21 йилдан буён фаолият кўрсатиб келаётган "Адолат" социал-демократик партияси ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиш учун ўз номзодини илгари сурмоқда.*

*Йиғилишда мамлакат ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётининг турли жабҳаларида катта билим ва кўникмаларга, ҳаётий тажрибага эга бўлган давлат ва жамоат арбоби, партиямиз Сиёсий Кенгаши раиси Наримон Умаровнинг номзоди Ўзбекистон Республикаси Президентлигига бўлажак номзод сифатида партиямизнинг VIII Қурултойида кўриб чиқиш учун тавсия этилди.*

*Номзодимизнинг ўтган даврдаги фаолиятига назар ташласак, унинг раҳбарлигида партиямизнинг барча даражадаги ташкилотлари ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциямиз фаолияти жуда самарали ташкил этиб келинаётганлигига гувоҳ бўламиз.*

*Қонунчилик палатасидаги "Адолат" СДП фракцияси*

# тадбирда иштирок этиш пухта тайёргарликни талаб этади



конференциялари ҳамда Қурултойни кўтаринки руҳда, юксак савияда ўтказишимиз, тарғибот-ташвиқот ишларини рисоладагидек ташкил қилишимиз зарур.

Кун тартибидаги масала юзасидан партия Сиёсий Кенгаши аъзолари фикр билдириб, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятининг муҳим белгиси, халқнинг хоҳиш-иродаси эркин ифодаланиши, жамият ва давлат ишларини бошқаришда фуқаролар иштирокининг асосий шакли эканлигини қайд этишди. Ўз навбатида, "Адолат" СДПнинг дастурий мақсад ва вазифалари ўзида аҳоли манфаатларини ифода этиши ҳамда бўлажак сайлов партия ғояларини яна бир бор сайловчилар орасида кенг тарғиб қилиш, партиядан кўрсатиладиган Президентликка номзоднинг сайловолди дастури орқали электорат манфаатларини янада чуқуррок ифодалаш имконини беришини, шу боис, миллий сайлов қонунчилигида сиёсий партияларга берилган ушбу имкониятдан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

Муҳокамалар давомида Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иш-



тирок этиши мақсадга мувофиқ, деб топилди.

Йиғилиш иштирокчилари ушбу сайловда "Адолат" социал-демократик партиясидан илгари суриладиган номзод хусусидаги масалани ҳам атрофлича кўриб чиқдилар.

— Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонуни 24-моддасига мувофиқ, сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинган кундан камида олти ой олдин Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган сиёсий партиялар Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиши мумкинлигини назарда тутиб, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Адлия вазирлиги томонидан давлат рўйхатига олинганлигига жорий йилда 21 йил тўлганлигини эътиборга олиб қараганда, ушбу сайловда биз ҳам ўз номзодимиз билан иштирок этишимиз учун барча асослар мавжуд, — деди ушбу масала юзасидан сўзга чиққан Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши раиси ўринбосари А.Раҳмонов. — Шу боисдан партия Қурултойида кўриб чиқиш учун мамлакат ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётининг турли жабҳаларида катта билим ва кўникмаларга, ҳаётий тажрибага эга бўлган давлат ва жамоат арбоби, партия Сиёсий Кенгаши раиси Наримон Умаровнинг номзодини Ўзбекистон Республикаси Президентлигига бўлажак номзод сифатида илгари суриш биз учун энг оқилона қарор, деб ҳисоблаймиз.



А.Раҳмонов партиямиздан кўрсатилаётган номзоднинг таржимаи ҳоли, ўзига хос фазилатлари, кўп йиллик меҳнат фаолияти давомида жамиятимиз ривожига қўшиб келаётган ҳиссаси ҳақида батафсил сўз юритиб, партия электорати ва тарафдорларининг хоҳиш-иродасидан келиб чиқиб, бўлажак сайловда партиядан кўрсатиладиган номзод сифатида партиянинг навбатдаги VIII Қурултойига тавсия этиш учун Сиёсий Кенгаш раиси, партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси раҳбари Наримон Умаров номзодини қўллаб-қувватлашга чақирди.

Ушбу масала юзасидан сўзга чиққан партия Сиёсий Кенгаши аъзолари Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига бўлажак номзоди Н.Умаров етарли ҳаётий тажрибага эга эканлиги, сафдошлари орасида обрў-эътибор қозонганлиги ҳамда бўлажак сайловда иштирок этиш учун муносиб номзод эканлигини қайд этиб ўтишди.

Партиянинг ушбу сайловда иштироки билан боғлиқ масалалар унинг олий органи — Қурултойида ҳал қилинишидан келиб чиққан ҳолда мажлис қатнашчилари Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг навбатдаги VIII Қурултойини 2016 йилнинг 15 октябрь куни Тошкент шаҳрида чақирилишини белгилаб олдилар.

Муҳокама якунида партия Сиёсий Кенгаши томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига қатнашиш мақсадида тайёргарлик ишларини кучайтириш, миллий қонунчилигимизда белгиланган муддатларда Марказий сайлов комиссиясига партиянинг сайловдаги иштироки билан боғлиқ ҳужжатларни ўз вақтида тақдим қилиш ва бошқа зарур чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

*таркиби бошқа партиялар фракцияларига нисбатан кам сонли бўлишига қарамасдан, у кишининг тажрибали раҳбар сифатида ташкилотчилиги, талабчанлиги ҳамда бир жамоа бўлиб жипслаштира олиши натижасида фракциямиз фаолияти бугунги кунда сифат жиҳатдан бошқа фракциялардан ҳеч ҳам қолишмайди.*

*Хусусан, парламентдаги "Демократик кучлар блоки"га нисбатан ўзини мухолифат, деб эълон қилган фракциямиз "Адолат" социал-демократик партиясининг дастурий ғоя ва вазифаларини рўёбга чиқариш мақсадида қонун лойиҳалари муҳокамаси ва парламент эшитувларида ўзининг позицион таклифларини дадил олға суриб келмоқда.*

*Агар буни рақамларда ифода этадиган бўлсак, 2015 йилдан шу кунга қадар номзодимиз раҳбарлигида Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзолари 60 га яқин қонун лойиҳаларига масъул, 10 дан ортиқ қонун лойиҳаларига ташаббускор бўлган бўлса, парламент тажрибасида биринчи маротаба, оппозицион фракция сифатида битта қонун лойиҳасининг муқобил таҳририни ишлаб чиқиб, Қонунчилик палатаси ялпи мажлиси муҳокамасига киритишга муваффақ бўлди.*

*Шу билан бирга, ўтган қисқа даврда фракциямиз назорат-таҳлил фаолияти кучайди. Хусусан, фракциямиз ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосарининг, Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг тегишли масалалар бўйича ахборотига оид парламент эшитувлари ўтказилди ва ижро органларига тегишли топшириқлар берилди.*

*Ўзбекистон "Адолат" СДП фракциясининг ана шундай ижобий натижаларга эришишида, шубҳасиз, партия Сиёсий Кенгаши раиси ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси раҳбарининг хизматлари беқиёсдир.*

*Шу боисдан Наримон Умаров Президентлик сайловида Ўзбекистон "Адолат" СДПдан кўрсатиладиган бўлажак номзод сифатида навбатдаги Қурултойда кўриб чиқиш учун тавсия этилди.*



**Вилоят АКРАМОВА,**
**Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши аъзоси:**

*— Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиш учун партиямиз Сиёсий Кенгаши раиси Наримон Умаровнинг номзоди иштирокчилар томонидан бир овоздан қўллаб-қувватланганини бежиз эмас.*

*Унинг меҳнат фаолиятидаги оддий илмий ходимдан то раҳбарликкача босиб ўтган йўли, инсоний фазилатлари ҳамда бой ҳаётий тажрибаси, билими ва салоҳияти ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентлигига бўлажак номзод сифатида тўғри танланганлигидан далолат беради.*

*Бундан ташқари, номзодимиз қайси соҳада ишламасин, инсонпарварлиги, жамиятда кечаётган барча жараёнларга холисона баҳо бериши, ўзининг шахсий позициясига эга эканлиги, ҳалоллиги, тўғрисўзлиги ҳамда ташкилотчилик ва етакчилик қобилияти билан меҳнат жамоаларида, шунингдек, халқимиз орасида ўзига хос обрў-эътиборга эга бўлиб келмоқда.*

*Раҳбарлик фаолиятида Наримон Умаров партиянинг ташкилий тузилишига катта эътибор берди. Бунинг натижасида партиянинг марказий органларидан тортиб, барча туман ва шаҳар кенгашларининг моддий-техник базаси мустаҳкамланди, малакали кадрлар билан таъминланди. Ҳар бир туман ва шаҳар кенгаши ўз офисига эга бўлди, компьютер ва бошқа техник воситалар, тарғибот материаллари билан тўлиқ жиҳозланди.*

*Бир сўз билан айтганда, партиянинг салоҳияти юксалди. Бу эса бизга сайлов кампанияси даврида мамлакатимизнинг энг чекка қишлоқ, овул ва маҳаллаларига, аҳолининг барча ижтимоий қатламлари орасига чуқур кириб бориш имконини беради.*



**Умиджон СУЛАЙМОНОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, "Ёш адолатчилар" қаноти Кенгаши раиси:**

*— Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кампаниясида партиямизнинг қуйи бўғинларидан тортиб юқори органларида ҳам фаолият юритаётган ёшларнинг иштироки жуда муҳим ҳисобланади. Чунки, Ўзбекистон "Адолат" СДП эртанги кун эгалари бўлмиш ёшларга жамиятнинг муҳим қатлами ва келажаги сифатида қарайди. Бугунги кунда партиямизнинг Сайловолди дастурини амалга ошириш бўйича 5 йиллик Ҳаракат дастури асосида ёшларнинг орзу-истакларини, қизиқиш ва қобилиятларини рўёбга чиқариш, тадбиркорлик ташаббусларни қўллаб-қувватлаш, уларни глобаллашув жараёнларининг салбий таъсирларидан ҳимоя қилишга қаратилган 10 дан ортиқ партиявий лойиҳалар амалга ошириб келинмоқда.*

*Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида партиямиздан бўлажак номзод сифатида тавсия этилаётган Наримон Умаров партиямизнинг айнан ёшлар сиёсатига доир саъй-ҳаракатларига алоҳида эътибор билан ёндашиб, бу борадаги барча ташаббусларимизни ҳамиша қўллаб-қувватлаб, амалий ёрдам бериб келмоқда.*

*Шу ўринда алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, ўтган даврда биз ёшлар орасига янада чуқурроқ кириб боришга муваффақ бўлиб, уларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, маънавий дунёқарашини бойитиш, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш борасида бир қатор ютуқларга эришдик, деб бемалол айта оламиз. Биргина жорий йилнинг ўтган даврида "Ёш адолатчилар" қаноти Кенгаши фаоллари томонидан турли мазмунда мингдан ортиқ тадбирлар ўтказилди. Хусусан, партиянинг "Ватан келажаги ёшлар қўлида" лойиҳаси доирасида ёшларда мафкуравий иммунитетни ошириш ва интернет манбаларидан оқилона фойдаланиш мақсадида "Биз вайронкор ғояларга қаршимиз" мавзусида 300 дан ортиқ давра суҳбатлари, Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллик арафасида ёшлар ўртасида мини-футбол мусобақалари ўтказилди ҳамда республика миқёсидаги иншолар танловининг натижаси бўйича "Истиқлол шукуҳи" тўплами нашр этилди.*

*Бунинг натижасида партия сафида ёшлар кўпайди. Ҳозирда партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий вакиллик органларидаги депутатларининг 20 фоизини, партия Марказий аппарати, ҳудудий ва маҳаллий партия ташкилотларида фаолият юритаётган партия ходимларининг 45 фоизини 35 ёшгача бўлган кадрлар ташкил этаётганлигини кўриш мумкин.*

*Бир сўз билан айтганда, сўнгги йилларда партиямиз аъзолари таркибида ёшларнинг сафи кўпайганлиги партиямизнинг ёш авлод орасида танилувчанлиги ошганлигидан далолат беради. Бугунги кунда партиямиз умумий аъзолари сонининг 42 фоизини ёшлар ташкил этиши ҳам бизнинг нақадар катта кучга эга эканлигимизни англатади.*

*Айни шу жиҳатдан ҳам ўз сафларида мустақил фикр ва кенг дунёқарашга эга, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдалана оладиган, мустаҳкам фуқаролик позициясига эга бўлган сиёсий фаол ёшларни бирлаштирган "Ёш адолатчилар" қаноти Кенгаши аъзолари 4 декабрь куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида муносиб иштирок этадилар, деб ишонч билдирамиз.*

**Қўш саҳифани "Adolat" мухбири Илёс САХАТОВ тайёрлади.**

## БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИ ИСЛОМ КАРИМОВ ХОТИРАСИГА ҲУРМАТ БАЖО КЕЛТИРДИ

Давоми. Бошланиши 1-бетда

Тадбирда БМТнинг беш минтақавий гуруҳи – Осиё, Африка, Шарқий Европа, Ғарбий Европа, Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзаси гуруҳлари вакиллари сўзга чиққан. Улар Ислом Каримовнинг тинчликпарвар сиёсати, асосли ташаббуслари ва амалий ишлари улкан минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаганини эътироф этган.

Қозоғистоннинг БМТдаги Доимий вакили Қайрат Абдрахманов Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримов қатъиятли, мард ва тўғрисўз лидер, тенгҳуқуқли ва ўзаро манфаатли халқаро ҳамкорлик тарафдори бўлганини таъкидлаган. Шарқий Европа давлатлари номидан сўзга чиққан Эстония вакили Ислом Каримов раҳбарлигида Ўзбекистон юритган сиёсат Марказий Осиёда барқарорлик ва халқаро муносабатлар ривожига хизмат қилганини баён этган.

Ўзбекистоннинг БМТдаги Доимий ва мухтор вакили Музаффар Мадраҳимов ватандошларимиз учун оғир бўлган паллада ҳамдардлик билдиргани ва қўллаб-қувватлагани учун анжуман иштирокчиларига миннатдорлик билдирган. Ислом Каримов эркин фуқаролик жамияти ва бозор иқтисодиётига асосланган демократик давлат қуришнинг чуқур ўйланган стратегиясини ишлаб чиққан ва амалга оширган буюк давлат арбоби сифатида юксак обрў-эътибор қозонган эди, дея таъкидлаган.

Аввалроқ, 6 сентябрь куни Ислом Каримов вафотига мотам белгиси сифатида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йорк, Женева ва Рим шаҳарларидаги бинолари ёнидаги БМТ байроқлари туширилган эди.

Қирғизистон пойтахти Бишкек шаҳрида бўлиб ўтган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгаши мажлисида ҳам Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов хотирасига ҳурмат бажо келтирилди.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Буларнинг барчаси Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов замонамизнинг буюк сиёсатчиси, узоқни кўра оладиган ва стратегик фикр юритадиган нодир қобилият соҳиби, тинчликпарвар ва халқпарвар давлат раҳбари, доно ислоҳотчи ва комил инсон сифатида бутун дунёда юксак обрў-эътибор қозонганидан далолат беради.

**Анвар САМАДОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси**

## Ижтимоий соҳага ажратилган бюджет маблағлари ижроси эътиборда

Давоми. Бошланиши 1-бетда

Фракциямиз аъзолари ушбу соҳага ажратилган бюджет маблағларининг мақсадли ишлатилишини таъминлаш ва бюджет интизомига риоя қилиниши юзасидан назоратни кучайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратди. Бизнинг фикримизча, бу борада учраётган молиявий хатоликлар ва бюджет тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг қўпол бузилиши ҳолатларининг олдини олиш учун профилактика ишларини кучайтириш ҳамда тизимда фаолият юритаётган ҳисобчиларни ўқитиш ва малакасини оширишга жиддий ёндашиш зарур.

Қолаверса, таълим соҳасига йўналтирилган маблағлар ижросини муҳокама этиш асносида дастурий ғояларимиздан келиб чиқиб, илм-фанни ривожлантиришни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган маблағлар ижросига ҳам алоҳида эътибор қаратдик.

Ҳисоботда келтирилишича, илм-фанни ривожлантиришга ушбу даврда 82,7 миллиард сўм ажратилган бўлиб, шундан давлат илмий-техника дастурлари доирасида амалга оширилаётган илмий-техника лойиҳаларини молиялаштиришга – 55,2 миллиард сўм, инновацион лойиҳаларни молиялаштиришга – 9,0 миллиард сўм, ноёб объектлар ва фанга хизмат кўрсатувчи муассасаларни сақлаш харажатларига – 17,2 миллиард сўм ҳамда илм-фанни ривожлантириш билан боғлиқ бошқа харажатларга 1,3 миллиард сўм йўналтирилди. Албатта, илм-фанни ривожлантиришга йўналтирилган маблағлар мамлакатимизнинг илмий, илмий-техник салоҳиятини янада ривожлантиришда, иқтисодиётни модернизация қилиш ҳамда ишлаб чиқаришни техник ва технологик қайта жиҳозлашда муҳим аҳамият касб этади.

**Акмал БУРХАНОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси:**

— Мамлакатимиз бош молиявий ҳужжатининг ҳисобот давридаги ижросини муҳокама қилиш асносида партиямиз Сайловолди дастуридан ўрин олган асосий йўналишлардан бири соғлиқни сақлаш секторини ривожлантириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирилган маблағлар ижросига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Ҳисоботда таъкидланганидек, жорий йилнинг 1-ярим йиллиги мобайнида соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш борасидаги ишлар изчил ва тизимли асосда давом эттирилиб, ушбу мақсадлар учун давлат бюджетидан 2 422,6 миллиард сўм ёки ижтимоий харажатларга ажратилган маблағларнинг 21,3 фоизи миқдорида маблағлар йўналтирилди.

Соҳага ажратилган маблағлар ижросини муҳокама қилиш жараёнида фракциямиз ташаббуси билан «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурининг тиббиёт муассасалари моддий-техника базасини ва кадрлар салоҳиятини янада мустаҳкамлашга, оилавий поликлиникалар ва қишлоқ врачлик пунктлари ишининг самарадорлигини оширишга қаратилган тадбирлари бажарилишининг бориши тўғрисида»ги масала юзасидан ўтказилган парламент эшитуви якунлари бўйича қабул қилинган қарорларнинг ижросига эътибор қаратдик. Бу борада белгиланган чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва самарали амалга оширилиши ҳамда ушбу мақсадлар учун йўналтирилаётган бюджет маблағларининг ижроси устидан олиб борилаётган мониторинг натижаларини чуқур таҳлил қилган ҳолда фракциядошларимиз томонидан бу борада жойлардаги ижроия ҳокимияти органларининг масъулиятини янада ошириш юзасидан таклифлар билдирилди.

Шу билан бирга, 2015 йилда фракциямиз ташаббуси билан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг "Ўзбекистонда сувни тежовчи технологиялардан фойдаланиш ҳолати ва унинг самарадорлигини ошириш истиқболлари, қишлоқ хўжалиги корхоналарида замонавий техника ва технологияларни жорий этиш тўғрисида"ги масала юзасидан парламент эшитуви якунлари бўйича қабул қилинган қарорлар ижросини ҳам назоратимизга олдик. Ушбу мақсадлар учун Давлат бюджети ва бошқа жамғармалар ҳисобидан ажратилган маблағларнинг ижроси атрофлича кўриб чиқилиб, тегишли таклифлар ўртага ташланди.

Қизғин муҳокамалардан сўнг фракция аъзолари Ўзбекистон «Адолат» СДП нуқтаи назаридан келиб чиқиб, ўз таклиф ва тавсияларини билдирдилар. Йиғилиши якунида фракциянинг тегишли қарори қабул қилинди.

**Саодат СОДИҚОВА,**
**"Adolat" мухбири**

➤ **2016 ЙИЛ — СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА ЙИЛИ**

“Соғлом она ва бола йили” Давлат дастурида белгиланган вазифаларни изчил бажариш партиядошларимиз олдида турган асосий вазифалардан бири демакдир. Шундан келиб чиқиб, ўз сафида 100 нафардан ортиқ тиббиёт ходимларини бирлаштирган Ўзбекистон “Адолат” СДП Шаҳрихон туман кенгаши томонидан бу масалага алоҳида эътибор қаратилмоқда.

# Бебаҳо бойликни асранг



Йилнинг ўтган даврида соғломлаштириш тадбирлари билан бирга йигирмадан ортиқ тарғибот тадбирлари ташкил этилгани фикримизнинг амалий ифодасидир.

Аҳоли саломатлигини асраб-авайлашда профилактик тадбирларни кучайтириш, айниқса, туғиш ёшидаги аёллар соғлиғини сақлашда туман тиббиёт бирлашмасига қарашли кўп тармоқли марказий поликлиникада амалга оширилаётган кенг қамровли ишлар диққатга молик. Хоналарда оналар ва болалар, туғиш ёшидаги аёлларга барча шароитлар муҳайё. 32 мингдан ортиқ аҳолига малакали хизмат кўрсатилмоқда. Германиядан келтирилиб, жорий йилда фойдаланила бошлаган “ЛОР-комбайни” аппарати тиббий хизмат сифатининг янада яхшиланишига хизмат қилмоқда.

Яқинда 32 нафар патронаж ҳамшираси махсус биринчи ёрдам сумкалари билан таъминланди. Улар томонидан 9 та маҳалла ҳудудида яшовчи аҳоли доимий тиббий назоратдан ўтказиб борилмоқда. Эрта турмуш қуришнинг олдини олиш, ўсмир қизлар саломатлиги ва гигиенаси мавзусидаги суҳбатлар оила остонасида турган ёшлар учун фойдали бўлаётганини таъкидлаш жоиз.

— Биз, биринчи навбатда, оналар саломатлигини мустаҳкамлашга эришишимиз лозим, — дейди партиядошимиз Нурхон Холматова. — Чунки она соғлом бўлса, оила соғлом бўлади. Оиланинг саломатлиги жамият соғломлигини таъминлаш демакдир.

Туман партия кенгаши томонидан аҳолининг тиббий маданиятини юксалтиришга қаратилган тарқатма материаллар ва буклетлар тайёрланиб, тарғибот тадбирларида фойдаланилаётгани ҳам кўпчиликда қизиқиш уйғотмоқда. Саломатлигимиз асосларидан бири – экологик тозалик мавзусида ўтказилаётган тадбирларда иштирок этувчилар сафи кенгайиб бормоқда.

**Акбаржон НАЗАРОВ,**
**“Adolat” мухбири**

# Иқтидорли ўқувчиларни рағбатлантириш

## доимий эътиборда

➤ **ТАНЛОВ**

Халқимиз фарзандлари истиқлол берган имкониятлар боис дунёни таниб, дунёга танилиб, нималарга қодирлигини жаҳон миқёсида намоён этаётганининг ҳар соҳада гувоҳи бўлаяпмиз. Юртимизда соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш йўлида амалга оширилган тарихий ишлар бугунги кунда мамлакатимизни жадал тараққий топтириш, бошқалар ҳавас қилаётган юксак марраларга эришишда ҳал қилувчи омилларга айланди.



Шуни айтиш жоизки, фан олимпиадалари, турли мусобақалар, ўқув юртларида ташкил этилаётган кўрик-танловлар ёшларимизнинг ўз истеъдодларини намоён этишларига хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда таълим соҳасида бир қатор қонун ҳужжатлари ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда. Ушбу қонун ҳужжатлари, миллий дастурлар фуқароларга таълим-тарбия бериш, касб-ҳунар ўргатишнинг ҳуқуқий асосларини белгилайди ҳамда ҳар кимнинг билим олишдан иборат конституциявий ҳуқуқини таъминлайди.

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси Сайловолди дастурида таъкидланганидек, мамлакат келажаги соғлом ва ҳар томонлама уйғун ривожланган ёшлар қўлидадир. Шунингдек, партиянинг бош вазифаси мамлакатимиз таълим тизимининг фуқароларнинг комил шахслар бўлиб шаклланишига йўналтирилган, инсон омилини намоён этадиган, меҳнат бозори талабларига мос мутахассисларни етиштириб берадиган энг яхши анъаналарни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришдан иборат.

Бухоро вилоятида ҳам таълим соҳасига катта эътибор қаратилмоқда. Яқинда Бухоро шаҳрида 2015-2016 ўқув йили якунлари бўйича вилоят ҳокими стипендиясига умумтаълим мактабларидан номзод этиб тавсия этилган ўқувчилар иштирокида танловнинг шаҳар босқичи бўлиб ўтди. Умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида ўтказилиб келинаётган вилоят ҳокими стипендияси танлови ўқувчи-ёшларнинг илм-фан ва ижодкорликка бўлган интилишларни қўллаб-қувватлашга хизмат қилаяпти. Жорий йилда умумтаълим мактабларидан танловнинг шаҳар босқичида қатнашиш учун ўқувчилардан 17 нафар номзод тавсия этилганди. Танловнинг шаҳар ишчи гуруҳи аъзолари номзодларнинг ҳар бири билан суҳбат ўтказиб, уларнинг фикр-мулоҳазалари билан танишдилар.



Танловда ўқувчилар истеъдоди, билими ва тайёргарлиги учун 10 балл, ижодида Ватанга садоқат, миллий ғурур, она юрт равнақига ишонч руҳининг сингдирилганлиги, дунёқараши ва фикр доираси кенглиги, таҳсил олаётган босқич ўқув дастуридаги фанларни ўзлаштириш даражаси, Ўзбекистон тарихи фанидан ўрганган билимлари, хорижий тилларни билиши, компьютер саводхонлиги учун эса 5 баллик системада баҳоландилар.

Якуний натижаларга кўра, Бухоро шаҳридаги 19-умумтаълим мактаби 8-синф ўқувчиси Хуршидабону Алимардонова, 4-умумтаълим мактаби 8-синф ўқувчиси Шаҳинабону Ҳасанова, 17-умумтаълим мактаби 7-синф ўқувчиси Тофиқбек Акрамов, 30-умумтаълим мактаби 7-синф ўқувчиси Сабина Раҳматовалар вилоят ҳокими стипендияси танловининг шаҳар босқичи ғолиблари, деб топилди. Бундай муваффақият ёшларни илм-фан сирларини пухта эгаллашга рағбатлантиради, албатта.

**Моҳигул АБДУЛЛАЕВА,**
**Бухоро вилоят кенгаши матбуот котиби**

➤ **ОГОҲЛИК**

XXI асрнинг ахборот асри сифатида эътироф этилиши бежиз эмас. Дунёни ўргимчак тўри мисол ўраб олган интернет ёрдамида Ер юзида содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар ва янгиликлардан тезда хабардор бўлиш, сайёрамизнинг нариги четидаги киши билан қисқа фурсатда бемалол суҳбатлашиш, ўзаро фикр алмашиш имкони мавжуд.

# Ахборотда глобаллашув ва ёшлар маънавияти

Бу фан-техника ривожланиши, ахборот-коммуникация технологияларининг тараққий этиши баробарида ахборот алмашинув жараёнлари ҳам тезлашиб бораётганидан далолат беради.

Интернетдан фойдаланувчилар кун сайин кўпайиб бораётгани ушбу тармоқ бир вақтнинг ўзида ҳам овоз, ҳам тасвир, ҳам сурат, ҳам матнни бирлаштирган ҳолда ахборот етказувчи энг қулай восита экани билан изоҳланади.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, жаҳонда интернетдан фойдаланувчилар сарф этаётган умумий вақтнинг ҳар олтинчи дақиқаси ижтимоий тармоқларга тўғри келади. Айниқса, ёшларнинг 90 фоизи асосий ахборот манбаи сифатида интернетга мурожаат қилади.

Ёшлар мобиль телефон ҳамда компьютерлар ёрдамида интернетга уланиб, билим ва интеллектуал салоҳиятларини ошириши, дунёдаги исталган кутубхонага кириб, китоблардан фойдаланиши, ишончли манбалардан зарур маълумотлар олиши, тенгдошлари билан мулоқотга киришиши яхши, албатта. Аммо айнан шу интернет орқали “оммавий маданият” ниқоби остида миллий-маънавий қадриятларимизга зид ғоялар ҳам кириб келмоқда ва улар ёшлар қалби ва онгини эгаллашга қаратилмоқда.

Интернет маданияти – бу интернет орқали фойдаланувчиларнинг мулоқот, ахборот олиш ва узатиш маданиятидир. Шу билан бирга, интернет фойдаланувчиларининг кибермаданияти деганда, ижтимоий онгга салбий таъсир этувчи, жумладан, ноxолис характердаги, диний-экстремистик, террористик, порнографик ва бошқа мазмундаги ахборотларни тарқатувчи сайтлардан фойдаланишнинг онгли равишда чекланилиши тушунилади.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, бугунги кунда интернет оламида кенг учраётган кибержиноятчилик, киберфирибгарликлар интернет маданияти меъёрларига риоя қилинмаслиги оқибатида юзага келмоқда.

Интернет ва ижтимоий тармоқлар орқали фойдаланувчиларнинг исталган (текширилмаган) ахборотларни алмашиши ҳамда бир-бирлари билан ўта эркин (чегараланмаган) тарзда мулоқотда бўлиши интернет маданияти муаммосининг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

Бугунги даврда глобал ахборот маконидан оқилона фойдаланиш, хусусан, носоғлом ахборотлардан ҳимоялана олиш, танқидий фикрлаш, маълумотларни фарқлаш, коммуникация воситаларидан тўғри фойдаланиш учун ёшларга билим ва тажриба керак бўлади. Уларда интернет маданиятини шакллантиришда ота-оналар, педагоглар ва мутахассисларнинг маънавий-руҳий кўмаги, таълим-тарбияси муҳим аҳамият касб этади.

Ёш авлоднинг ахборотга бўлган талаб-эҳтиёжларини қондириш учун интернет тармоғининг миллий сегменти янада кўпайишини таъминлаш, замонавий веб-ресурслар фаолиятини тобора такомиллаштириб бориш, шу билан бирга, интернет тизимида ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва коммуникация тармоқлари, дастурий маҳсулотлар, ахборот тизимлари ва ресурсларини ҳимоя қилишнинг замонавий технологияларини татбиқ этиш масалаларига ҳам жиддий эътибор қаратиш лозим.

Ёшларимиз маънавий оламининг дахлсизлигини асраш йўлида интернетдан фойдаланиш маданиятини яхшилаш масаласи тегишли давлат органлари, жамоат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролик жамиятининг барча институтлари, ота-оналар, педагоглар ва мутахассисларнинг узоқ муддатли узлуксиз ва тизимли ҳамкорлигини талаб этади.

**Ғолибжон ХОЛБОЕВ,**
**Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани 3-сонли ДНИ нотариуси**


Reklama

ХУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

«АСАКА» БАНК

2016 йил “Соғлом она ва бола йили” деб эълон қилиниши муносабати билан миллий валютада қуйидаги муддатли янги омонат турини таклиф этади:

“СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА”

Ушбу омонатга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Шу билан биргаликда, “Асака” банк миллий валютада 28 турдаги ва хорижий валютада 14 турдаги омонатларни қулай шартларда таклиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин. Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш жамғармаси томонидан кафолатланади.



Сизнинг омонатларингиз:
» солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
» маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
» эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
» миқдори чекланмаган!

| Филиаллар | Код | Телефон |
|---|---|---|
| Тошкент шаҳар филиали | 371 | 120-83-13 |
| Наманган вилоят филиали | 369 | 227-15-68 |
| Автотранспорт филиали | 371 | 120-39-95 |
| Навоий вилоят филиали | 436 | 770-21-29 |
| Шайхонтоҳур филиали | 371 | 140-39-36 |
| Зарафшон филиали | 436 | 572-40-14 |
| Юнусобод филиали | 371 | 221-80-67 |
| Бухоро вилоят филиали | 365 | 770-05-19 |
| Сирғали филиали | 371 | 257-44-10 |
| Бухоро шаҳар филиали | 365 | 770-11-27 |
| Тошкент вилоят филиали | 371 | 120-84-13 |
| Самарқанд вилоят филиали | 366 | 233-65-47 |
| Андижон вилоят филиали | 374 | 223-60-74 |
| Афросиёб филиали | 366 | 221-71-76 |
| Асака филиали | 374 | 233-21-99 |
| Қашқадарё вилоят филиали | 375 | 221-07-41 |
| Фарҳод филиали | 374 | 226-96-63 |
| Сурхондарё вилоят филиали | 376 | 770-82-12 |
| Фарғона вилоят филиали | 373 | 244-39-14 |
| Қорақалпоғистон филиали | 361 | 770-60-59 |
| Марғилон филиали | 373 | 237-62-23 |
| Хоразм вилоят филиали | 362 | 228-14-81 |
| Олтиариқ филиали | 373 | 432-19-80 |
| Сирдарё вилоят филиали | 367 | 225-44-03 |
| Қўқон филиали | 373 | 542-61-01 |
| Жиззах вилоят филиали | 372 | 226-43-11 |

«Асака» банк сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!

www.asakabank.uz
Хизматлар лицензияланган


## СОЛИҚ ТЎЛОВЧИ ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 272- ва 287-моддаларига асосан эгалигида солиқ солинадиган мол-мулки ва ер участкалари бўлган жисмоний шахслар ҳамда деҳқон хўжаликлари жисмоний шахсларнинг мол-мулк ва ер солиқлари тўловчилари ҳисобланади.

Солиқ даври учун жисмоний шахслар томонидан тўланадиган мол-мулк ва ер солиқларини тўлаш муддати ҳисобот йилининг 15 октябрига қадар этиб белгиланган.

Ўз вақтида тўланмаган солиқ суммасига ҳар бир кечиктирилган кун учун қонунчиликда белгиланган тартибда пеня ҳисобланиб, қарздорлик суд тартибида мажбурий ундирувга қаратилади.

Шундай экан, мол-мулк ва ер солиқларини 15 октябрдан кечиктирмай тўлашни унутманг!

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ**

Ўзбекистон “Адолат” СДП Наманган вилоят кенгаши Норин туман партия кенгаши раиси, халқ депутатлари Наманган вилояти Кенгаши депутати, туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Абдували Мавлоновга волидаи муҳтармаси

**Мунаввархон МАВЛОНОВА**нинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.


МУАССИС: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши

Бош муҳаррир: Ислом ҲАМРОЕВ

Таҳрир ҳайъати: Наримон УМАРОВ, Муҳаммад АЛИ, Гавҳар АЛИМОВА, Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА, Қодир ЖЎРАЕВ, Тошпўлат МАТИБАЕВ, Талъат МУРОДОВ, Абдукамол РАҲМОНОВ, Собир ТУРСУНОВ, Алишер ШОДМОНОВ, Шуҳрат ЯКУБОВ

Бўлимлар:
Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — **288-46-54** (149); Котибият — **288-42-14** (144); Ахборот, ҳуқуқ ва хатлар бўлими— **288-42-12** (146); Қабулхона — **288-42-23**; **288-42-12** (141) факс; Реклама бўлими — **288-42-14** (144)

**Навбатчи муҳаррир** — Дилором Маткаримова
**Навбатчи** — Бобиржон Тунгатов

«Adolat»дан кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

**Таҳририят манзили:** *100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани «Шарқ тонги» кўчаси, 23-уй.*

**info@adolatgzt.uz**

*Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.*

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми — 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г — 900. Адади — 6442
Босишга топшириш вақти — 21.00
Босишга топширилди — 21.30

*Баҳоси келишилган нархда*

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100

ISSN 2091-5217

1 2 3 4 5